

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкентда миллий қонунчиликни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У парламент Омбудсмани томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ҳамда Россия, Озарбойжон, Испания омбудсман институтлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова бошқарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилганини таъкидлади. Бугунги босқичда жамоатчилик тафаккурида ҳуқуқий соҳани ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифалари инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишини таъминлашдир, деган фикр шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эрки, ғурури, шавни ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган.

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда юзлаб янги қонунлар қабул қилинди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий майдон яратилди. Қонунни қабул қилиш ва уни қўллаш амалиёти йилдан-йилга такомиллашмоқда, инсон ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилиш бўйича таъсис этилган демократик институтлар ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро битимларга қўшилган, БМТ ва ЕХҲТ доирасида қабул қилинган энг муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидландики, ўн икки йил аввал Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалга оширадиган давлат органлари тизимида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратининг янги конституциявий институти – Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти таъсис этилди. Бу ҳақда Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қарор қабул қилинган эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолиятини парламент томонидан 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ юритади.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда давом этаётган демократлаштириш жараёни жамият ҳаётини мустақам ўрин олди, парламент омбудсмани эса ҳуқуқий давлат курилишида демократиянинг таъсирчан воситасига айланди.

Ўтган йили омбудсман институтига 7655 та, шундан ҳудудий вакилларга 1500 та мурожаат келди. Турли тоифадаги одамларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилди, давлат органлари, жамоат тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари сингари ташкилотларни ўз ичига олган миллий

ҳамкорлар билан биргаликда жамиятнинг барча қатламлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилди, халқаро ҳамкорлик янада ривожлантирилди.

Таъкидландики, Омбудсманнинг асосий устувор вазифалари сифатида парламент палаталари, уларнинг кўмиталари билан назорат-таҳлил вазифаларини бажариш борасидаги фаол ҳамкорлиги ҳамда фуқароларнинг муурожаатларини ҳал қилиш, ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга кўмаклашиши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ ва самарали риоя этилиши ҳамда ҳимоя қилинишига қаратилган давлат тузилмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини мустақамлашга хизмат қилди.

Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизда аккредитация қилинган элчихоналар ҳамда ваколатхоналар кўмагида бошқа давлатлар, жумладан, ЕХҲТга аъзо мамлакатлар омбудсманлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Мазкур учрашув учта ялпи сессия шаклида ўтказилди. Улар «Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш: хориж таърибаси», «Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари», «Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида омбудсман ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» каби мавзуларга бағишланди.

Давра суҳбати қатнашчилари омбудсман фаолияти, чет мамлакатлар омбудсманлари таърибаси билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Мария Луиз Кава Де Ллано Карио (Испания), В.Тамбовцев (Россия), З.Алиев (Озарбойжон) ўз мамлакатлари омбудсман институти таърибаси ҳақида маъруза қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

ЎЗА.

Ўзбекистон-Афғонистон:

Қўшма комиссия МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 июль куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Афғонистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислам Республикаси савдо ва саноат вазири Мир Амин Муҳаммад Фарҳанг раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Н.Хонов Афғонистон мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар йўналишларда, нефть-газ саноати ва энергетика соҳаларида изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Қўшма комиссия мажлиси доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Афғонистон ишбилармон доиралари вакилларининг кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда Кобул-Тошкент-Кобул йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво транспорти қатновини очиш, банк иши, нефть-газ, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, озиқ-овқат, мева-сабзавот савдоси, электр ускуналари, металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида сўз борди.

ЎЗА. Мажлисида асосида тайёрланди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1090,39	1 Малайзия ринггити	367,89
1 Англия фунт стерлинги	2561,13	1 Польша злотийси	461,63
1 Дания кронаси	233,32	1 СДР	1932,04
1 БАА дирҳами	344,85	1 Туркия лираси	987,81
1 АҚШ доллари	1266,57	1 Швейцария франки	1047,10
1 Миср фунти	222,69	1 ЕВРО	1735,20
1 Исландия кронаси	20,91	10 Жанубий Корея вони	13,79
1 Канада доллари	1205,80	10 Япония иенаси	103,25
1 Хитой юани	167,18	1 Россия рубли	49,42
		1 Украина гривнаси	250,81

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.07.2007	1	0,8547	1	1,1818	1	0,0336
Арманистон	18.07.2007	1	337,96	1	465,4	1	13,27
Беларусь	19.07.2007	1	2145,00	1	2955,17	1	84,32
Грузия	19.07.2007	1	1,6655	1	2,2957	1	0,0655
Қозоғистон	19.07.2007	1	121,83	1	167,93	1	4,79
Қирғизистон	14.07.2007	1	37,95	1	52,3312	1	1,4886
Латвия	19.07.2007	1	0,508	1	0,702804	1	0,02
Литва	19.07.2007	1	2,4989	1	3,4528	10	9,8257
Молдова	18.07.2007	1	12,1481	1	16,7322	1	0,4771
Тожикистон	19.07.2007	1	3,4392	1	4,7361	10	1,3519
Ўзбекистон	17.07.2007	1	1266,57	1	1735,2	1	49,42
Украина	18.07.2007	100	505,00	100	695,4355	10	1,9838
Эстония	18.07.2007	1	11,35	1	15,6466	1	0,445878

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА 2007 ЙИЛ 17 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМИГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1259,00	1262,00	1736,00	1756,00
“Асака” банки	1256,00	1258,00	1735,00	1738,00
“Ўзсаноатқурилишбанки”	1259,00	1261,00	1736,00	1746,00
“Пахтабанк”	1259,00	1261,00	1725,00	1730,00
Халқ банки	1258,00	1263,00	1736,00	1750,00
“Ипотека-банк”	1258,00	1260,00	1736,00	1740,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1257,00	1258,00	1702,00	1703,00
“UzKDBбанк”	1257,00	1258,00	1730,00	1750,00
“Фаллабанк”	1258,00	1261,00	1736,00	1745,00
“Трастбанк”	1258,00	1260,0	1736,00	1746,00
“Алп Жамол банк”	1258,00	1268,00	1723,00	1738,00
“Алоқабанк”	1258,00	1260,00	1736,00	1763,00
“Ў-Т банк”	1258,00	1259,00	1736,00	1756,00
“Туронбанк”	1259,00	1261,00	1736,00	1740,00
Ўзбекистон-Германия “Савдогар” АТБ	1258,00	1260,00	1736,00	1750,00
“Ипак йўли” банки	1259,00	1261,00	1724,83	1727,57
“Микрокредитбанк”	1259,00	1265,00	1725,00	1733,00
“Туркистон” банк	1257,00	1268,00	1650,00	1743,00
“Даврбанк”	1257,00	1264,00	1735,00	1745,00
“Кредит-Стандарт” банки	1260,00	1263,00	1735,50	1760,00
“Капитал банк”	1258,00	1265,00	1735,20	1761,00
“Содерат банк”	1258,00	1259,00	1676,00	1720,00
“Ҳамкор банк”	1258,00	1262,00	1720,00	1750,00
“Универсал банк”	1256,00	1266,00	1742,00	1746,00
“Парвинабанк”	1256,00	1260,00	1733,00	1736,00



ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ

**ФИРМАНГИЗ БИРОН БИР ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНДИМИ?
БУ ИМТИЁЗЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНГИЗ НАТИЖАЛАРИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?
ИМТИЁЗЛАРНИ ОЛИШДА ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР
УЧРАЁТИРМИ?**



● Бош бухгалтер Ҳилола Ҳакимовна:

– Таассуфки, биз ҳеч бир имтиёздан фойдаланмаётимиз. Имтиёзларни олишда қийинчиликларга келганда, менинг ўйлашимча, бундай қийинчиликлар бор. Бир пайтлар фабрикада ишлаганман, ўшанда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга тааллуқли имтиёз бўлса-да, ундан фойдалана олмаганим. Истеъмолга йўналтирилган хом ашё улушини аниқлаш учун алоҳида ҳисоб юритишимиз ва шу асосда унга доир имтиёз олишимиз керак эди. Бу анчагина мураккаб масала бўлиб, ўша кезлари ечим топмаган.

● Бош бухгалтер Маърифат Мелиевна:

– Бизда экспорт билан боғлиқ хизматларга имтиёзлар бор. Ишимизнинг каттагина ҳажми айнан экспорт йўналишига эга, шу сабабли ягона солиқ тўловини ҳисоблашда имтиёздан фойдаланамиз, бинобарин бундай тўловни 10 эмас, беш фоиз тўлаймиз. Ҳамонки солиқ тўлови суммаси камайар экан, фойдамиз кўпроқ бўлади, бу эса фирманинг даромадларига барака киритади. Ҳозирча бошқа имтиёзимиз йўқ. Масалан, матбаа корхонаси, билишимча, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга.

Умуман олганда, имтиёзларни олишда ҳам, уларни қўллашда ҳам, менимча, бугунги кунда ҳеч қанақа қийинчилик йўқ. Тўғри, илгари имтиёзлар борасида муайян муаммолар учраб қоларди, лекин энди ҳаммаси батамом барҳам топган.

● Бош бухгалтер Нилуфар Абдурахимовна:

– Бизда, афсуски, ҳеч қандай имтиёз йўқ. Гап шундаки, корхонамиз кўпдан буён фаолият кўрсатиб келади. Янги ташкил топган ҳўжалик субъектларига мўлжалланган имтиёзлар биз учун табиийки, татбиқ этилмайди. Экспорт операциялари билан ҳам шуғулланмаймиз, шу боис имтиёзларнинг бу тоифасидан баҳраманд бўла олмаимиз. Ходимларимиз орасида ногиронлар йўқ – бу йўналишдаги имтиёздан ҳам фойдалана олмаимиз. Хуллас, кўриб турганимиздек, бор имтиёзларнинг биронтасидан бизга фойда йўқ.

Билишимча имтиёзларнинг бирон тоифасига дахлдор корхонани олиш учун бу имтиёзни қўллашга бўлган ўз ҳуқуқидан солиқ инспекциясини вақтида хабардор этса, амалиётда имтиёзлардан фойдаланиш борасида ҳеч бир қийинчилик келиб чиқмайди.

● Бош бухгалтер Нодира Миробидовна:

– Корхонамиз брокерлик идораси саналади. Биз ўз мижозларимизга қимматли қоғозлар бозорида ҳам, кўчмас мулк бозорида ҳам хизмат кўрсатамиз. Қимматли қоғозлар сотиб олиш билан боғлиқ хизматларни амалга оширганимизда, биламизки, бу хизматлардан солиқ олинмайди. Ана шу имтиёзни қўллашнинг афзаллик томони кўп жиҳатдан ўтказилаётган операциялар ҳажмига боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Бироқ ишларимизнинг аксарият қисми кўчмас мулк билан боғлиқ эканлиги боис қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига бериладиган имтиёз биз олаётган даромадга сезиларли таъсир этмайди.

Имтиёзлардан фойдаланишда қийинчиликлар хусусида шуни айтиш мумкинки, солиқ тўловчилар кўп ҳолларда ўзлари бирон-бир имтиёздан фойдаланишга ҳақли эканликларни ҳақида аниқ бир нарсга дея олмайдилар. Бунинг сабаблари бор. Айтайлик, у ёки бу имтиёз учун ҳуқуқ берадиган

барча шароитлар бор, бироқ амалдаги қонун ҳужжатларига эид бўлган ёки қайд этилмаган қандайдир жиҳатлар мавжуд. Бундай вазиятда солиқ тўловчилар кўпинча масаланинг ечимини топмай, мазкур имтиёздан фойдаланишдан воз кечадилар – кейинчалик бир «ишқали» чиқишдан чўчийдилар. Аксарият одамлар таваққалига иш тутмасликни афзал деб биладилар. Негаки, бирон-бир имтиёз янглиш қўлланилган бўлса, солиқлар тўлови ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда амалга оширилмаслиги мумкин. Солиқ солинадиган базани нотўғри белгилаш эса жарима жазосига олиб келади. Айниқса бу ҳол солиқ текшируви вақтида аниқланса, турган битгани ташвиш. Шу боис аввал солиқ инспекциясидагилар билан маслаҳатлашиб олиш келгусида муаммолар келиб чиқиши олдини олади.

● Бош бухгалтер Райҳон Асқаровна:

– Ҳа, биз имтиёзлардан фойдаланмоқдамиз. Корхонамиз экспортга маҳсулот жўнатади. Маҳсулотларни ана шу тахлит етказиб бериш ҳисобига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари бизда камайтирилган. Бинобарин имтиёзлар фаолиятимиз натижаларига анчагина ижобий таъсир ўтказмоқда. Имтиёзларни олиш ёки қўллаш билан боғлиқ қийинчиликларни шахсан мен ҳозирча сезганим йўқ. Фойдаланиб келаётган имтиёзларимиз ҳеч қачон бизда муаммо келтириб чиқармаган. Қонун ҳужжатлари билан берилган ҳуқуқ тўғри қўлланилишида гап кўп шекилли. Бунинг учун эса қонунни ва ҳуқуқни яхши билиш керак.

Сизларнинг «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизимингиз ҳар қандай вазиятда, хоҳ у имтиёзларни қўллаш бўлсин ёки бошқа масала, биз, бухгалтерларга мададкор. Таъбир жоиз бўлса, бу тизимни стол устидаги электрон китоб, маълумотномалар тўплами дейиш мумкин. Негаки ўзимизни қизиқтирган ҳар қандай саволга ундан жавоб топамиз. Айниқса «Амалий солиқ солиш» ва «Амалий бухгалтерия» экспертлик маълумотномалар тўплами бизга қўл келмоқда. Шу сабабли уларни яратган мутахассисларга ҳам, экспертларга ҳам бухгалтерларга кўрсатиб келаётган бебаҳо ёрдамлари учун миннатдорчилик сўзларини айтаман.

● Тошкент вилоятидаги хусусий фирма директори Лазоқат Баҳодирхон қизи:

– Яқинда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур «Дамас» автомашинасини сотиб олиш мақсадида имтиёзли кредит олиш тартиб-таомилларининг нақт етти-та доирасидан ўтишимга тўғри келди. Энг аввало автомо-



бил сотиб олиш учун рухсатнома олиш жуда қийин кечди. Маълум бўлишича, ўзимизда ишлаб чиқарилган автомашиналарни харид қилишдан кўра чет элларда чиқарилган машиналарни сотиб олиш, гарчи нархи қимматроқ бўлса ҳам, осонроқ экан.

Ишни фирмамизга хизмат кўрсатувчи банкда имтиёзли кредитни расмийлаштиришдан бошладик. Шунда билдимки, мижоз улар учун, яъни банкнинг кундалик қайд ишлари билан шуғулланувчи ёшгина қиздан тортиб филиал директори гача ишлашга, шунингдек чой-пой ичиб олишга, телефонда гап сотиб дугоналари билан янгликни ўртоқлашишга ҳалақат берадиган шахс экан. Тайёрлаган ҳужжатларга улар билдирган эътирозлар эса одатда мана бу ерда унчалик тўғри кўрсатилмабди қабилдаги муҳам гапдан иборат эди.

Умуман банк ходимлари имтиёзли кредитлар беришдан манфаатдор эмасга ўхшайди (ипотека кредитлари бериш, ёш оилаларга кредитлар беришдек эзгу ишда ҳам муносабат шундай бўлади деб кўрқаман). Бундай тунд, совуқроқ муносабат замирида бошқа нарсга ётгандир балки? Ўз фойдаси камайишини ким ҳам истарди дейсиз?! Лекин бошқа тарафдан олганда, мижоз ўз фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлар экан, табиийки, унинг банкдаги ҳисобварағи бўйича пул айланмалари ҳажми ҳам ортади, ахир. Хуллас олисроққа назар ташлай билиш керак. Энг муҳими, ўз ходимларингга мижозни ҳурмат қилишни ўргатиш зарур. Келгусидаги хотиржамлик, фаровонлик гарови ҳам аслида шу.

КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

10 июль куни МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ «2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИ ИМЗОЛАДИ. АЙТИНГЧИ, СИЗЛАРДА ЭНГ ОХИРГИ МАРТА ХОДИМЛАР МАОШИ ҚАЧОН ОШИРИЛГАН? СИЗЛАР 1 АВГУСТДАН ЎЗ ХОДИМЛАРИНГИЗ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШНИ МЎЛЖАЛЛАЙТИРСИЗМИ? АГАР ОШИРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, БУ ИШ ҚАЙСИ МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН СОДИР ЭТИЛАДИ? БОРДИ-Ю, ОШИРМОҚЧИ БЎЛМАСАНГИЗ, САБАБИ НИМА?

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик яқунлари бўйича таҳририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.

ТАМАКИ – УМР ЗАВОЛИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг: «Чекиш соғлиқ учун хавфли» деган огоҳлантирув эълонини ҳар бир фуқаро яхши билади. Лекин бу огоҳлантиришларга кашандалар, одатда, бефарқ қарайдилар: тамаки тутатишни қанда қилишмайди. Маҳаллалар ва кўчаларда чекаётган кишиларни кўриб баъзи ёшларимиз ҳавас ҳам қилишади. Бунинг оқибати эса соғлиқ учун заволдир. Тамаки тутуни таркибида минглаб зарарли моддалар бўлиб, у инсон саломатлигини йиллар мобайнида емириб боради. Дарҳақиқат, инсоният тарихидаги энг қадимий зарарли одатлардан бири бу тамаки чекишдир.

Тамаки билан «муомала» қилиш кейинги йилларда нафақат кашанданинг ўзига, балки бутун жамоатчиликка ҳам зарар келтирмоқда. Юртимизда содир бўлаётган кўплаб ёнгинлар айнан тамаки чекишдан келиб чиқаётди. Айниқса маст ҳолатда тамаки чекиш ўта аянчли ҳодисаларга сабаб бўлапти.

Мисол учун Шайхонтоҳур тумани, Денов кўчаси, 17-уйда истиқомат қилган Пўлатов К. уйига аранг, туртилиб-суртилиб, маст ҳолда етиб келган. Диванда ёта солиб, сигарета тутатган ва бир неча дақиқалар ўтгач, ухлаб қолган. Ўчмай қолган сигарета қолдиғи эса тутай бошлаган. Учқундан чиққан олов алангаланиб, уйқудаги кашанда 15 фоиз тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

Яккасарой туманилик Виктор Кудюбов ҳам ўз уйда маст ҳолда ухлаб қолган. Сигарет чўғидан чиққан ёнгин Викторнинг уйини қулга айлантди-кўйди. Афсуски бу инсонларнинг ҳаётини на ўт ўчирувчилар, на шифокорлар сақлаб қола олдидилар. Шунинг учун айтишади-да: «Ўт балосидан асрасин» деб.

Н. ХАЙДАРОВ,

Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бўлими Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати инспектори, катта лейтенант.

ҚИМОР БИЗНЕСИДАН «ЯЛПИ ТОЗАЛАШ»

Москвадаги 1,5 мингдан ортик казино ва автомат ўрнатилган заллар ёпилди. Лекин бу ҳали чегара эмас: ўтган йили Москва шаҳар думаси қимор бизнеси тўғрисидаги қонунни қабул қилгандан сўнг шундай қилиш мумкин бўлди.

Қонун чиқарувчилар бундай қиморхоналар метродан 25 метр, болалар боғчалари ва мактаблардан 100 метрга яқин жойда бўлишини тақиқлаб қўйишди. Казино камида 400 квадрат метр, қимор зали эса камида 80 квадрат метр майдонни эгаллаши лозим. Эндиликда дўконлар ва кўчаларда қимор автоматларини ўрнатиш мумкин эмас.

Қимор бизнеси арбоблари уюшмаси вакилларининг фикрича, казино ошқора ишлаш бошлаган пайтдан буён ҳозир энг жиддий инқирозга учраган. Юз берган вазият қутилмаган ва тасодифий эмас. Қимор бизнеси арбоблари уюшмасининг фикрича, бу ҳол сўнгги йилларда қимор индустриясининг ривожланиши билан боғлиқ чалкашлик ва тартибсизликларнинг мантқиқий оқибатидир. Айниқса ҳукумат қароридан сўнг, унга кўра қимор бизнесини лицензиялаш билан Давлат спорт қўмитаси шуғуллана бошлагач, чалкашлик ва тартибсизликлар кучайди. Улар қабул қилингандан сўнг бозор бетартиб ривожлана бошлади, назорат йўқолди, дарҳол олди-сотди объектига айланган лицензияларни хоҳлаган одамга бера бошлашди.

ҚИМОРБОЗЛАР РЕЗЕРВАЦИЯГА ЖЎНАТИЛАДИ

Президент Владимир Путин «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишга доир фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Давлат думаси муҳокамасига киритиб, қондани тубдан ўзгартиришни таклиф қилди. Агар у қабул қилинса, уй-жойларнинг одам яшамайдиган хоналарида, интернетда, умуман пойтахтда қимор ўйинлари тақиқланади. Қиморбозлар пойтахтдан олисга жўнатилади. Ҳужжатда казиноларни жойлаштириш учун аҳоли пунктлари ичида ва улардан ташқарида алоҳида зоналар ташкил этиш назарда тутилади. Бу зоналар тўрттадан ошмайди. Таҳминларга кўра улар Урал, Камчатка, Сибирь ёки Владивостокда жойлаштирилади. Ҳар ҳолда буни ҳукумат ҳал қилади. Қимор зоналаридан бири Москва вилоятида қолиши эҳтимоли бор.

Ўзгаларнинг қонунлари

Ҳужжат казинонинг соф активлари 600 миллион рублни ташкил этишини, энг кичик майдони 800 квадрат метрдан кам бўлмаслигини, автомат заллари майдони камида 100 квадрат метр бўлишини талаб қилади. Қимор столлари камида 10 та, қиморбозлар эса камида 50 та бўлиши керак. Ҳокимият органларининг талабларига жавоб бера олмайдиганлар 2007 йил 1 июлдан саҳнадан чиқиб кетдилар, қолганлари 2009 йил 1 январгача, лицензия мuddати тугагунга қадар ишлаши мумкин.

ЎЙНИНГА БЕРИЛИБ КЕТУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЧЕКЛАНАДИ

Сербский номидаги суд-психиатрия институти мутахассисларининг ҳисобларига кўра, 2 миллиондан зиёд россиялик қиморбозга айланган, шулардан 330 минг нафари москвалиқдир. Бу касалликни ҳозир гиёҳвандлик ва алкоғолизм билан қиёслашади. Чамаси, айна шу ҳолат Давлат думасининг Кредит ташкилотлари ва молиявий бозорлар қўмитасини ашаддий қиморбоз фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун парламентга киритишга мажбур қилди.


Агар ҳужжат қабул қилинса, Фуқаролик кодексининг 30-моддасига тузатишлар киритилади. Уларга кўра қиморбозларнинг муомала лаёқати чеклаб қўйилади ёки ҳатто ўз оиласини касаллик туфайли оғир моддий аҳволга солиб қўядиган шахс сифатида ўз ҳаракатлари учун муомалага лаёқатсиз деб топилди.

Ҳозир алкоғоликлар ва гиёҳвандларнинг муомала лаёқатини суд чеклаши мумкин. Бундай шахслар устидан васийлик тайинланиши эҳтимоли ҳам бор.

Хорижий матбуот саҳифаларидан.

Мутахассислар жавоб беради

ХИЗМАТ САФАРИГА ТАКСИДА БОРИЛСА



Ташкилотимиз ходимлари ускуналарни монтаж қилиш тўғрисида тузилган шартномаларни бажариш учун жамоат транспорти мавжуд бўлмаган олис туманларга хизмат сафарларига юборилади. Уларнинг 100 километрдан зиёд йўлни таксида босиб ўтишларига тўғри келади. Мазкур туманларда темир йўл йўқ, самолётлар бормади, йўлда юриш қиймати тўғрисида ахборот олиш имкони мавжуд эмас. Шу муносабат билан савол туғилади: ходимларимизга тайинланган жойга бориш учун бериладиган хизмат сафари тўловлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортиладими? Г.Бухтияров, "PROMT BUILD SERVIS" МЧЖ бош директори.

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва МАИМКВнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 9-бандига кўра хизмат сафари харажатларига турар жойни ижарага олиш, хизмат сафари жойига бориш ва доимий иш жойига қайтиш харажатлари, суткалик пуллар, кўшимча харажатлар (телефон, телеграф учун ва ҳ.к.), тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) киради. Солиқ кодекси 49-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ хизмат сафарига юборилган ходимларга Вазирлар Маҳкамаси белгиланган нормалар доирасида бериладиган мазкур тўловлар ходимнинг жами йиллик даромадига киритилмайди ва тегишинча даромад солиғи солинмайди.

Оқорида кўрсатилган Йўриқноманинг 10-бандига мувофиқ таксида борганлик учун ҳақ тўлашга ташкилот раҳбарига фақат фавқулодда ҳоллардагина рухсат берилади: уларнинг бири умумий фойдаланиладиган транспортнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Ходимни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқда хизмат сафари объектига умумий фойдаланиладиган транспортнинг мавжуд эмаслиги боис рухсат берилишини кўрсатиш керак. Ходим таксида боришга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича ҳисобот бериши ҳам зарур. Ҳисобот эркин шаклда тузилиши мумкин, унда тайинланган пунктга бориш санаси ва вақти, таксидан фойдаланиш сабабини тушунтириш, тайинланган пунктга бориш қиймати ва унинг масофаси ва бошқа нарсалар кўрсатилиши шарт. Таксида бориш қиймати суммаси масофага мувофиқ келиши керак.

Оқорида кўрсатилган шартларга риоя қилинганда боришга ҳақ тўлаш учун ходимларга бериладиган компенсация тўловлари жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилмайди.

Жавоб ДСҚ Жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси ходимлари кўмағида тайёрланган.

ХОНА ВА УСКУНА ИЖАРАСИ



Салом, ҳурматли таҳририят! 2007 йил 10 апрелдаги 15-сонда Екатерина Бухтиярованинг автомобилни ўз ходимидан ижарага олиш тўғрисида батафсил маслаҳати чоп этилган эди. Корхонамиз ягона солиқ тўловини тўловчи ҳисобланади ва шунингдек ўз ходимидан одам яшамайдиган жой ва ускуна (компьютерларни) ижарага олади. У банкда ҳисобрақам очди, унга биз ижара ҳақини ўтказиб борамиз. Бизда қуйидагича саволлар юзага келди.

Мазкур ижара шартномасини нотариусда тасдиқлатиш мажбурийми? Шартномада хона ижараси ва ускуна ижараси ажратилиши лозимми? Корхона ходимнинг ҳисобига ўтказиладиган ижара ҳақи учун унинг иш ҳақидан даромад солиғини ушлаб қолиши керакми? Ходим мазкур жой ва ускуна учун қандай солиқларни (ер, мол-мулк солиқлари ва ҳоказо) тўлаши керак?

И.Лебедева.

– Фуқаролик кодекси 110-моддасининг иккинчи қисмига кўра битимлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки тарафлардан бирининг талабига кўра нотариал тасдиқланиши керак.

Қонунчилик сизникига ўшаган ҳолларда нотариал тасдиқлашнинг мажбурийлигини назарда тутмайди. Агар ижара шартномаси бўйича тарафлардан бирортаси ҳам буни талаб қилмаса, мазкур битим нотариал тасдиқлашни тақозо этмайди.

Шартномада хона ижарасини ускуна ижарасидан ажратиш керак, чунки уларнинг биринчиси ўз хусусиятларига эгадир. Чунончи, агар хона ижараси шартномаси 1 йилдан кам муддатга тузилса, у давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилади (ФК 574-моддасининг учинчи қисми). Бунда шунинг назарда тутиш лозимки, хонани ижарага берувчи томонидан берилиши ва унинг ижарага олувчи томонидан қабул қилиниши топшириш ҳужжати ёки тарафлар имзоладиган, топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади (ФК 578-моддасининг биринчи қисми).

Бундан ташқари, шартномада ижара ашёларини корхонада бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш мақсадларида ҳам ажратиш зарур.

Солиқ кодексининг 47, 48 ва 50-моддаларига мувофиқ жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олган даромад тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғига тортилади (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 36-банди).

Бундан ташқари, корхонанинг ходими мол-мулк солиғини тўлаши керак, улар учун солиқ солиш объекти бўлиб ижарага берилган хонанинг қиймати ҳисобланади (Солиқ кодекси 90-моддасининг иккинчи қисми).

Ада ЦОЙ, "Норма маслаҳатчи" газетасининг эксперт юристи.

Ноанъанавий савол БРЭНД ЭГАСИ БЎЛИШ ҚАНДАЙ ЯХШИ



Бизнинг заводимиз қисман хорижий компаниянинг мулк ҳисобланади. У даромаднинг устав фондидан ўз улушига мувофиқ қисмини олаётганига қарамай, ўз савдо маркасидан фойдаланганлик учун айланмадан маълум фоиз тўлашимизни талаб қилмоқда. Шу тўғрими?

– Юридик нуқтаи назардан компаниянинг ҳаракатлари қонун доирасидан четга чиқмайди. Агар товар белгиси рўйхатга олинган бўлса, унда фойдаланиш ҳуқуқи маълум ҳақ тўлашни назарда тутадиган лицензия битими асосан берилади. Бундай ҳақ миқдори ва фойдаланиш тартиби хорижий шахс – товар белгисининг эгаси корхонамизнинг акциядори ёки муассиси эканлигига боғлиқ эмас. Гап шундаки, муассислар билан савдо маркасидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабат турли қонунлар, шу жумладан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонунлар билан белгиланади. Бу қонунларга мувофиқ бир компаниянинг ўзи брэнд эгаси сифатида ҳам роялти, акциядор сифатида ҳам дивиденд олиши мумкин. Роялтининг миқдори ўзгариши мумкин. Одатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг брэндлари қиммат туради.

Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Марҳамат, саволларингизни postmaster@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. "Норма маслаҳатчи" шу руқна остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бормади.

<p>МЕХНАТ КОДЕКСИ (Ўзбек ва рус тилларида) 7000 сўм.</p> <p>ЖИНОЯТ КОДЕКСИ (Ўзбек ва рус тилларида) 8000 сўм.</p>	<p>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН» (II жилд) Масъул муҳаррир – Л.Югай</p> <p>1 жилди 3000 сўм.</p>	<p>«УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ» Муаллифлар – Э.Гадов, Н.Ҳасанов, Л.Югай</p> <p>3200 сўм.</p>
<p>«3000 БУХГАЛТЕРСКИХ ПРОВОДОК ПО НОВОМУ ПЛАНУ СЧЕТОВ» (2-жилдда) муаллиф – Ф. Фуломова</p> <p>1 жилди 5000 сўм.</p>	<p>«ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНГА СОЛИҚ СОЛИШ» (Ер кодекси, ер кадастри) А.Латипов таҳририда (Ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>4000 сўм.</p>	<p>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН» (II-III жилд) (ЎзР Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўлиқ берилган) Масъул муҳаррир – Х.Ортиқов</p> <p>1 жилди 4000 сўм.</p>
<p>СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА Муаллиф – Артём Мокшин</p> <p>6000 сўм.</p>	<p>«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ» Муаллиф – Ф.Фуломова</p> <p>3200 сўм.</p>	<p>«ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ - 2005» (2006 йил иловаси билан) Муаллифлар – Э.Гадов, Л.Югай</p> <p>3500 сўм.</p>
<p>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР</p> <p>5000 сўм.</p>	<p>«САМОУЧИТЕЛЬ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ» Муаллиф – Ф.Фуломова</p> <p>5000 сўм.</p>	<p>«КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ» Муаллифлар – Н.Ҳасанов, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай Китобда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ёритиб берувчи масалалар кўриб чиқилган ва солиқ оқибатлари очиб берилган (Ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>3600 сўм.</p>

Буюртмаларни қуйидаги манзилда расмийлаштиришингиз мумкин: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй. ☎ Харид масалалари бўйича 144-44-29, 132-18-80 тел./факсларига мурожаат қилинг.

УШБУ КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДУКОНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ва унинг ҳудудий филиалларида:

Андижон ш., А.Навоий шоҳж., 71, тел.: (374-2) 55-05-02. ☎ Бухоро ш., Иқбол кўч., 11, тел.: (365-2) 23-75-96. ☎ Самарқанд ш., Университет хиёбони 12, тел.: (366-2) 33-23-68. Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., (мўлжал – Оқбозор биноси), тел.: (372-2) 26-42-93. ☎ Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел.: (436-2) 23-01-30. ☎ Қарши ш., 7-микрорайон, 9, тел.: (375-2) 27-77-00. РАММ Навоий бўлими: Навоий ш., Павлов кўч., 6-уй, тел.: (436-2) 23-25-33.

“Yuridik adabiyotlar”, манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35-уй (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел.: 136-73-98; Тошкент ш., Бобур кўч., 40А. тел.: 363-55-47

“Sharq ziyokori”, манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй (мўлжал – Навоий номидаги ДАБТ), тел.: 133-58-72

Китоб дуконлари эгалари ва сотувчиларини ҳамкорликка таклиф қиламиз.

ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Корхоналарни хусусийлаштириш ғоятда хилма-хил шаклларда амалга оширилади. Улардан бири – номинал қийматдан паст нархда ёки ноль даражали қиймат бўйича хусусийлаштиришни ҳаққоний равишда мамлакатимиз ноу-хауси деб эътироф этиш мумкин. Номиналдан паст қиймат ёки ноль даражали қиймат амалда инвестор учун "инвестиция мажбуриятлари"га айланади.

Ушбу тушунчаларни қандай қилиб боғласа бўлади, инвестиция мажбурияти қандай бўлади, унинг моҳияти, ижро этиш (сўндириш) шакли қандай, ҳисобга олиш ва солиқ солиш тартиби қандай?

Ана шу ва бошқа кўплаш саволлар инвесторларда ҳам, инвестициялар объекти ҳисобланган корхоналарда ҳам юзага келади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини, инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ҳуқуқларига риоя этиш кафолатлари, инвестиция мажбуриятларини бажариш шартли билан корхоналарни сотиб олиш тартибини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйида келтирилади:

авваламбор қуйидаги учта Қонун:

- Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги 609-1-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги 611-1-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги 719-1-сон Қонуни;

ва олтита махсус ҳужжат:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги "Давлат мулкни хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 477-сон қарори.

2. Хорижий инвесторлар харид қиладиган акциялар пакетлари ва объектлар учун ҳақ тўлаш шакллари тўғрисидаги низом, ДМҚнинг қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 1 майда 1030-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

3. Инвестиция мажбуриятлари қийматини объектнинг нархида кўшиш шартли билан икки ва ундан ортқ йил мобайнида сотилмаган корхона ва яхлит объектларнинг акцияларини, улушларини (пайларини) инвесторларга сотиш тўғрисидаги низом, ДМҚнинг қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 21 июнда 1153-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

4. Давлат активларини номиналидан паст

нархлар бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низом, ДМҚ, МВ ва ИВнинг қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 16 июлда 1255-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 368-сон қарори.

6. Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом, МВ, ДСҚ ва ДМҚнинг қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 25 декабрда 1436-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу ҳужжатларнинг асосий негизи бўлиб қуйидаги ҳолат ҳисобланади: инвесторларга уларнинг инвестиция мажбуриятларини қабул қилиши шартли билан корхоналарни, акциядорлик компаниялари акцияларининг пакетларини, устав капиталдаги улушларни сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Бунда сотиб олиш нархи номинал қийматдан ҳам, ноль даражали қийматдан ҳам паст бўлиши мумкин.

Сотиш объекти бўлиб корхоналар ёки акциядорлик компаниялари акцияларининг пакетлари, давлатга қарашли паст рентабелли, зарар кўраётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектлар ҳисобланади. Акциялар пакети (ҳисса) - корхона устав фондининг давлат активида бўлган бир қисми, у давлатга қарашлидир.

Пул маблағлари, мол-мулк ва уларга доир

ҳуқуқларни олди-сотди шартномасига мувофиқ инвестициялайдиган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар **харидор-инвестор** бўлишлари мумкин. Хорижий инвесторлар деганда хорижий давлатлар, хорижий давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги келишувлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ барпо этилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари ҳисобланган халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ барпо этилган ва фаолият юритаётган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, хорижий давлат фуқаролари ҳисобланувчи жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг доимий равишда хорижда яшаётган фуқаролари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси **сотувчи ҳисобланади** (ҳар бир реализация қилинаётган сотиш объекти бўйича сотувчини тайинлаш тўғрисидаги қарорни Хорижий инвесторларга давлат мол-мулкни сотиш пайтида тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссияси қабул қилади).

Корхоналар ёки акциядорлик компаниялари акцияларининг пакетларини, давлатга қарашли паст рентабелли, зарар кўрувчи, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни хорижий инвесторларга сотиш сўмларда ҳам, **эркин алмаштириладиган валютада (ЭАВ)** ҳам амалга оширилади. Инвестиция мажбуриятлари ЭАВда белгиланиб, миллий валютада ижро этилиши ҳам мумкин. ЭАВга хорижий давлатларнинг валюталари: АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки, япон иенаси ва евро кирази.

Сотишнинг барча ҳолларида инвестор зиммасига **инвестиция мажбуриятларини** қабул қилиш юкланади, бунда инвестор томонидан тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ қабул қилинадиган молиявий ва бошқа мажбуриятлар тушунилади. Инвестиция мажбуриятлари:

- усуналарни етказиб бериш;
- ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни етказиб бериш;
- инвестор томонидан корхонанинг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзнинг сўндирилиши;
- ҳуқуқат кафолати остида олинган кредитларнинг сўндирилиши кўринишида бажарилиши мумкин.

Давлат активларининг номинал қиймати деганда қуйидагилар тушунилади:

давлат корхонаси учун - ўз капитали ёки объектнинг баланс қиймати;

давлат улуши бўлган акциядорлик жамияти учун - эмиссия проспектига кўра давлатга тегишли бўлган акциялар пакетининг номинал қиймати;

бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мансуб ҳўжалик юритувчи субъектлар учун - давлат фондидаги давлатга тегишли бўлган улуш.

Инвестиция қиймати - сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларининг суммаси. Сотиб олиш тўлови - харид қилинаётган давлат активлари учун инвестор киритаётган пул суммаси. У давлатга қарашли паст рентабелли, зарар кўрувчи, иқтисодий ночор корхоналарни сотаётганда холга тенг бўлиши мумкин.

Барча ҳолларда сотувчи билан харидор ўртасида **олди-сотди шартномаси** расмийлаштирилади, унга кўра сотилган акциялар, улушлар (пайлар)га доир мулк ҳуқуқи инвесторга, у барча инвестиция мажбуриятларини шартнома шартларига мувофиқ бажарганидан кейин берилди.

Харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилмаса, **олди-сотди шартномаси бекор қилинади**. Бу ҳолда киритилган сотиб олиш тўловлари ва қўйилган инвестиция мажбуриятлари инвесторга қайтарилмайди, сотиш объекти эса давлат мулкига қайтарилади.

Сотувчи билан харидор ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланганидан кейин акциялар, улушлар, давлат корхоналари (объект) сотилганида давлатга тегишли бўлган ва сотиладиган акциялар пакети сотувчининг Депо ҳисоб-варағида захираланади. Сотиб олиш тўлови (агар у олди-сотди шартномасида назарда тутилган бўлса) келиб тушганидан кейин харидорга акциялар пакетига эгалик қилиш ва уни бошқариш ҳуқуқи берилди (тасарруф этиш ҳуқуқисиз). Акцияларнинг бутун пакетини тасарруф этиш ҳуқуқи (бошқа ҳолларда мулк ҳуқуқи ёзилган) харидорга шартнома шартларига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари бажарилганидан кейин берилди.

Қўрида баён этилганлардан келиб чиқиб, инвестор ва инвестициялар объекти ҳисобланмиш корхона ҳисоб ёзувлари қандай бўлиши мумкинлигини белгилашга, шунингдек шартнома шартларини бажариш ва бажармаслик ҳолатида унинг тарафлари учун эҳтимол тутилган солиқ оқибатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўраимиз.

ДИВИДЕНДГА КОМПЬЮТЕР ХАРИД ҚИЛМАНГ

Ташкилотимиз муассис - юридик шахсга дивиденд ҳисоблаб ёзди. Юридик шахс биздан бу пул ҳисобидан унга компьютер сотиб олишимизни сўраяпти.

1. Компьютер сотиб олиб, унга бериш учун муассис бизга қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

2. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қандай расмийлаштирилади? Бухгалтер.

1. Сиз айтиб ўтган шартларда компьютер харид қилиш учун асос бўлиб муассиснинг унга тегишли дивидендлар ҳисобига унинг учун компьютер сотиб олиш илтимос қилинган хат ҳисобланади.

2. Ташкилот муассисга унинг дивидендлари ҳисобига харид қиладиган товар-моддий бойликларни баланسدан ташқари ҳисоб-варақлардан бирида, масалан, 002-"Масъу-

лиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар"да кириш қилиши керак.

МИСОЛ. 2007 йил январидан муассисларга дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Муассислардан бири - хусусий корхона - унинг дивидендлари ҳисобига унга компьютер харид қилишни сўради. Муассис - ХКга 700 минг сўм дивиденд тўланиши керак, компьютер 550 минг сўм туради.

N	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Дивидендлар ҳисоблаб ёзилган	700	8710	6610
2	Дивидендлардан солиқ ушланган (700 x 10%*)	70	6610	6410
3	Дивидендлардан солиқ ўтказилган	70	6410	5110
4	Муассис дивидендлари ҳисобига харид қилинган компьютернинг ҳисобга қабул қилиниши акс эттирилади	550	002	
5	Компьютерни харид қилиш харажатлари акс эттирилган	550	6610	6990
6	Компьютерни муассисга топшириш акс эттирилади	550	6990	5110
7	Дивидендларнинг қолган қисми муассисга берилган	80	6610	5110

* 2007 йилда юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар кўринишида оладиган даромадларига солиқ ставкаси 10%ни ташкил этади (Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори 5-банди).

Бундай операциялар кўпинча саволларга сабаб бўлади: нима учун дивиденд олувчининг ўзи компьютер ёки бошқа мол-мулкни сотиб ололмайди? Муассис ва корхона ўртасида мол-мулкни харид қилиш бўйича хизматлар кўрсатишга қўшимча шартнома тузиш зарурми? Бу хил операцияларни ўтказишга ишончнома, ҳисобварақ-фактура ва ҳоказоларни расмийлаштириш керакми? Уларни аҳамияти кам деб атаб бўлмайди, чунки ҳақиқатан ҳам хизматлар кўрсатиляпти.

Агар улар тегишли тарзда расмийлаштирилмай ва тўланмай қолса, текшириш чоғида уларни бепул хизматлар деб баҳолаб, хизматлар кўрсатаётган тарафда ҚҚС бўйича, олувчи тарафда эса ЯСТ бўйича тегишли солиқ тўловлари ҳисобланадиган хатар мавжуддир. Шу сабабли **бундай операцияларни ўтказиш тавсия қилинмайди**. Дивидендларни пул билан тўлаган яхшироқ, уни олувчи ўз хоҳишидан келиб чиқиб тасарруф этиши мумкин.

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Сотиб олиш масалалари
бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 22-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

Андижон ш.: (3742) 50-25-93
Қарши ш.: (99875) 227-19-11

ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ИХТИЁРИ ЎЗИНГИЗДА

2002 йил 22 майда икки жисмоний шахс томонидан таъсис этилган масъулияти чекланган жамиятимиз кичик корхона мақомига эга, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши, ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланади. Ўтган йилларда олинган фойдамизни ишлаб чиқариш дастгоҳларини харид қилишга сарфладик. Молиявий фаолият якунлари бўйича 2007 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқариш фаолиятини ўстириш ҳисобига биз 20 миллион сўмдан зиёд соф фойда олдик.

Бугунги кунда хизмат кўрсатувчи банк билан орамизда фойдани тақсимлаш бўйича ихтилоф пайдо бўлди. Шу муносабат билан бир қатор саволларга жавоб олишни хоҳлардик.

1. Муассислар солиқлар тўланишидан кейин қолган фойданинг 50-60 фоизини дивидендлар кўринишида олишлари мумкинми? Ҳар чорақда дивиденд ҳисоблаб ёзса бўладими?

2. Банк корхонанинг молиявий фаолияти тўғрисида аудиторлик хулосасини талаб қилиш ҳуқуқига эгами?


3. Мижозлар хизмат кўрсатувчи банкнинг раҳбариятига пул маблағлари ўтказилаётганда шартномаларнинг нусхаларини тақдим этишлари шартми?

Ш.Қулматова,
МЧЖ бухгалтери.

1. Жамият фойдаси (зарари)ни унинг муассислари ўртасида тақсимлаш шартлари ва тартиби жамиятнинг таъсис шартномасида белгиланади ("Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг (2001 йил 6 декабрь, 310-II-сон, 12-моддаси). МЧЖ ҳар чорақда, ярим йилда бир марта ёки йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир (Қонуннинг 25-моддаси).

2. Тижорат банклари корхонанинг молиявий фаолияти тўғрисида аудиторлик хулосасини фақат ҳўжалик юритувчи субъектларга кредит берилган ҳоллардагина талаб қила оладилар (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатдан ўтказилган Тижорат банкларининг кредит сўлатишга талаблар тўғрисида низомнинг 2.6-банди).

3. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга мувофиқ (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган) пул маблағларини мижознинг ҳисоб-рақамидан олувчининг ҳисоб-рақамига ўтказишни хизмат кўрсатувчи банк тўлов топшириқномаси асосида амалга оширади. Тўлов топшириқномасининг "Тўлов тафсилотлари" устунда олдиндан тўлаш шартлари, тўлаш предмети, шунингдек шартнома рақами кўрсатилади. Хизмат кўрсатувчи банк шартномаларнинг бирор-бир нусхаларини тақдим этиш мазкур Низомда назарда тутилмаган.



ЧЕК ОЛИНИШИ КЕРАК!

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

2006 йил апрелида солиқ органи кичик корхонани қисқа муддатли текширувдан ўтказди, унинг давомида сотувчи ўзи сотган товар учун чек бермаслик кўринишида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги аниқланди. Натижада солиқ органи корхонага нисбатан энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан – 1 млн сўмдан ошадиган молиявий жазо қўллаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилди. 2006 йил октябрида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан давлат органининг талаблари тўғри деб топилган. Корхона бу қарорни ноқонуний деб ҳисоблаб, Олий ҳўжалик судига уни бекор қилиш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

- 2005 йил майда солиқ органи кичик корхонани қисқа муддатли текширувдан ўтказган;
- 2006 йил апрелда ушбу корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти яна текширувдан ўтказилган;
- мазкур текширувлар давомида сотиб олган товари учун харидорга чек берилмаганлиги аниқланган, яъни назорат-касса машинасини қўлламасдан чакана савдо амалга оширилган;

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китоби-ни юритиш тартиби тўғрисида низом (адлия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 1-бандининг тўққизинчи хатбошисига кўра қисқа муддатли текшириш деб назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказилган ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширишга айтилади. Мазкур текшириш тури режадан ташқари текширишларга киради, яъни тегишли асослар мавжуд бўлганда давлат органлари томонидан исталган вақтда ўтказилиши мумкин. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун (1998 йил 24 декабрь, 717-1-сон) 12-моддасининг иккинчи қисмига кўра режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади: агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда; назорат қилувчи органга ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда; фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда; санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (НҚОФМРКнинг Адлия

вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 21-бандига кўра савдо қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказишлар тўғрисидаги қарорлар истисно тартибда туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари – солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш объектининг юридик манзили, шунингдек объект амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш керак.

Суд кўрган ишда корхона фаолияти савдо қоидаларига, хусусан, НКМни қўллаш қоидаларига риоя этиш борасида қисқа муддатли текширишдан ўтказилган. Солиқ органи текшириш чоғида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни аниқлаганлиги боис, у МЖТКнинг 279, 280-моддаларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган, бунинг учун корхонанинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилишлари (жарима солиниши) керак эди.

Назорат қилувчи органлар томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказилиши пайтида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 декабрдаги "Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида" 621-сон

СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Кўрсатилган ҳуқуқбузарлик бир йил мобайнида такрор содир этилган, шу сабабли кичик корхонага нисбатан 200 ЭКИХ миқдоридан жарима жазоси қўлланиши керак.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Тадбиркорлик субъекти солиққа доир ҳуқуқбузарлик содир этганлик далилини инкор этмайди. Бироқ биринчи инстанция суди томонидан ишга доир ҳал қилув қарори чиқарилганига қадар 2006 йил 10 октябрда ЎРҚ-59-сон билан "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган ва кучга киритилган эди, унга кўра НКМни қўлламаганлик учун жазо миқдорини камайтирадиган ўзгартишлар киритилган.

- 2006 йил 10 октябрда ЎРҚ-59-сон Қонун қабул қилинган, унга кўра Солиқ кодексининг 135-моддасига ўзгартиш киритилган.

Кассация ҳайъати қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

- Солиқ кодексининг 3-моддасига кўра солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни энгиллаштирадиган ёки бартараф этадиган қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга;
- ЎРҚ-59-сон Қонун қабул қилинишига қадар Солиқ кодексининг 135-моддасида аниқланган қайта ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг

200 баравари миқдоридан жарима тўлаш назарда тутилган эди;

- ЎРҚ-59-сон Қонун таҳририда Солиқ кодекси 135-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига мувофиқ солиқ тўловчи корхонадан ЭКИХ 75 баравари миқдоридан жарима ундирилиши керак.

Баён этилганлар асосида ва ХПКнинг 187 ҳамда 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш, кассация шикоятини қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор қилди.

ШАРҲ

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

қарори 8-бандининг биринчи хатбошиси амал қиларди*, унда товарларни чакана сотаётганда юридик шахс назорат-касса машинасини қўлламаган тақдирда ЭКИХ 100 баравари, худди шу қилмиш молиявий жазо қўллангандан кейин йил мобайнида қайта содир этилганда ЭКИХ 200 баравари миқдоридан молиявий жазо қўллаш назарда тутилган. Бунда етказилган зарарнинг миқдори аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексининг 135-моддасида айни

Хорижда

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНГА ОИД ҲУҚУҚИ

Россия ФСХнинг Москва шаҳар бошқармаси "ишонч телефони" ўрнатди. Бу телефон орқали солиқ органлари ходимларининг ҳар хил фэйриконуний ҳаракатлари тўғрисида хабар бериш мумкин бўлади. Шундай мақсадлар учун электрон почта манзили ҳам назарда тутилган. Аризачи ўзи қолдирган телефон рақами орқали ёки почта/электрон манзилидан жавоб олади. "Ишонч телефони" амалдорларга ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида бартараф этишда ёрдам бериши тахмин қилинмоқда. Телефон орқали маълумот олиш назарда тутилмаган.

БИЗНЕСНИНГ "СОФЛИГИ" УЧУН

Санкт-Петербург туманларидан бирининг маъмурияти шаҳар марказида ўз бизнесини юритаётган тадбиркорларни атрофдаги ҳовлиларда тартиб ўрнатишда иштирок этишга мажбур қилиш ғоясининг ташаббускори бўлмоқда. Ободончилик бўлимининг мутахассислари ҳовлилар ҳудудининг ҳар квадрат метрининг тегишлича санитария ҳолатини таъминлаш учун қанча пул кетишини ҳисоблаб чиқишди. Аммо амалдорлар ҳовлиларни тозалашга кетадиган харажатларнинг қанча қисмини бизнесменлар тўлашларини, бу харажатларни ижара ҳақиға қўшиш керакми ёки йўқлигини ҳозирча ҳал қилишгани йўқ.

ХИТОЙ МҲХТГА ЎТАДИ

Хитой Халқ Республикаси маъмурияти бу йил молиявий ҳисоботнинг миллий тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро тизимига мослашга қаратилган бир қатор қарарларни ниҳоясига етказишни режалаштиришмоқда. Бундай ўтиш юз бергач, давлат ҳудудида жойлашган 1400 дан ортиқ компания 2007 йилги ўз йиллик молиявий ҳисоботларини янада қаттиқроқ талабларга – IFRSга ақинлаштирилган стандартлар бўйича тузиши лозим бўлади. Лекин бу стандартлардан "эркин ижодий талқинда" фойдаланиш мумкин бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишга тайёргарлик Хитойда барча даражаларда олиб борилмоқда. Жумладан, Молия вазирлиги рўйхатга олинган оммавий компанияларнинг бухгалтерларини бир неча ойдан буён жадаллик билан ўқитмоқда.



Хорижий матбуот саҳифаларидан.

* Кўрсатилган хатбоши ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

МАЗКУР МАТЕРИАЛ ГЕРМАНИЯ ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИ КЎРСАТАЁТГАН ТЕХНИК ЁРДАМ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН.



ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

– “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”.

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– “Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

– “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийетни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ:

– “Вазирлар Маҳкамасининг “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарори)”;

– “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида” 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”.

● **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 30 ИЮНДАН 13 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING 2001 ЙИЛ 12 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ 222-II-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ 1-ИЛОВАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА”

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган
(«Халқ сўзи», 139(4292)-сон, 2007 йил 18 июль)

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, N 6-7, 105-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 4, 154-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **тўққизинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация

қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш”;

2) қуйидаги мазмундаги **етмиш иккинчи** ва **етмиш учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Микрокредит ташкилотлари фаолияти”.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 июль
ЎРҚ-102-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 25-26-сон, 260-модда)

Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини яқуний иш натижалари учун рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш механизмини тубдан такомиллаштириш, улар фаолиятини истеъмолчиларни иссиқлик ва сув билан узлуксиз ҳамда сифатли таъминлаш даражасига бевосита боғлиқ ҳолда баҳолаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек иссиқлик таъминоти ва сув

таъминотида исрофгарчиликни камайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг уларнинг бажарилаётган иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган

КАПИТАЛБАНК 132 - 07 - 03

Бир мақсадга интилиб
Муваффақиятга эришамиз

ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи янги тизими жорий этилсин:

иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ходимлар малакаси ва улар кўрсатаётган хизматлар сифатига бевосита боғлиқ ҳолда иш ҳақи миқдорини белгилашни таъминлайдиган тариф тизимини такомиллаштириш;

иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ҳар бир ходимининг шахсий ҳиссаси даражасига боғлиқ ҳолда муайян иш натижалари учун ҳар ойлик мукофотларини белгилаш йўли билан меҳнатни табақалаштирилган тарзда моддий рағбатлантириш;

иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини корхонада исрофгарчиликни камайтириш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш йўлида ташаббус кўрсатгани ҳамда ижодий муносабати учун рағбатлантириш.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари бошқарув ходимлари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткалари 1-иловага* мувофиқ;

иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ишчилари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткалари 2-иловага* мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари билан биргаликда лавозимларни тариф сеткаси разрядларига мослаштириш ва тариф ставкалари миқдорини тасдиқланган тариф сеткаларига мувофиқ белгилашни таъминласин.

3. Белгилансинки, иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини моддий рағбатлантириш миқдорлари қуйидаги шартларга сўзсиз риоя этилган ҳолда белгиланади:

истеъмолчиларни давлат томонидан белгиланган талаблар ва меъёрларга қатъий мувофиқ равишда иссиқлик ва сув билан таъминлаш бўйича ишларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариш;

истеъмолчиларнинг асосли шикоятлари йўқлиги; энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш, исрофгарчиликни қисқартириш.

4. Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммунхизмат» аген-

тлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ҳудудий корхоналарида иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини рағбатлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар жамғармаларнинг даромадларини шакллантириш манбалари сифатида белгилансин:

энергетика ресурсларини ва меҳнат ҳақи фондидан тежашдан тушган маблағлар;

тузилган битимлар шартларига мувофиқ истеъмолчилар томонидан иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарига тўланадиган жарима санкциялари;

аҳоли ва ўзга истеъмолчиларга бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2007 йилнинг 10 июлига қадар иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарида тегишли жамғармалар ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини жорий этиш бўйича корхона раҳбарлари бошчилигида махсус комиссиялар ташкил этилишини таъминласин;

жорий йилнинг июнь-июль ойларида иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаларини шакллантириш тартиби ва механизмларини жорий этиш тўғрисида жойларда семинарлар ўтказилишини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 19 июнь,
ПҚ-655-сон.

*1, 2-иловалар рус тилидаги матнда берилади.

ПРИЛОЖЕНИЕ N 1
к постановлению Президента РУз
от 19 июня 2007 года N ПП-655

**ТАРИФНЫЕ КОЭФФИЦИЕНТЫ
ПО ОПЛАТЕ ТРУДА ДЛЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО ПЕРСОНАЛА,
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТНИКОВ И СЛУЖАЩИХ
ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕПЛОСНАБЖЕНИЯ И ВОДОСНАБЖЕНИЯ**

Разряды оплаты труда	Тарифные коэффициенты
0	1,000
1	3,022
2	3,445
3	4,031
4	4,756
5	5,660
6	6,452
7	7,227
8	8,050
9	8,851

**ТАРИФНЫЕ КОЭФФИЦИЕНТЫ
ПО ОПЛАТЕ ТРУДА ДЛЯ РАБОЧИХ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕПЛОСНАБЖЕНИЯ И ВОДОСНАБЖЕНИЯ**

Разряды оплаты труда	Тарифные коэффициенты
0	1,000
1	2,500
2	2,750
3	3,066
4	3,422
5	3,815
6	4,197

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 19 июндаги
ПҚ-655-сон қарорига
3-ИЛОВА

**ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИГА ҲАҚ
ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналари (бундан кейин матнда корхона деб юритилади) бошқарув ходимлари, муҳандис-техник ходимлари, хизматчилари ва ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом ходимларнинг шартнома мажбуриятларига қатъий риоя қилиш ҳамда истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва сув билан таъминлаш, шунингдек хўжалик-маиший оқава сувларни тозалаш, иш ҳақи миқдорининг корхонадаги якуний иш натижаларига боғлиқлигини кучайтириш бўйича барқарор ишларни ташкил этишда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида жорий этилади.

3. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

4. Корхоналар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

- ходимларнинг мансаб маошлари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мансаб маошларига белгиланган устама ва қўшимча ҳақлар;
- иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасидан (бундан кейин матнда Жамғарма деб юритилади) тўланадиган мукофотлар;
- жамғарма ҳисобидан тўланадиган бир марталик моддий ёрдам.

II. МАНСАБ МАОШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

5. Ходимларга корхона раҳбари томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ белгиланган мансаб маошига қараб иш ҳақи тўланади.

6. Ходимларнинг мансаб маошлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган тариф сеткалари бўйича белгиланган базавий тариф ставкалари асосида шакллантирилади.

Лавозимларни тариф сеткаси разрядларига мослаштириш иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Базавий тариф ставкаларини индексациялаш, корхона

индексациялаш учун молиявий имкониятга эга бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ белгиланадиган энг кам иш ҳақи ўзгартирилганда амалга оширилади.

7. Базавий тариф ставкалари миқдори тариф сеткасининг тегишли разряди тариф коэффициентини тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкаси миқдорига кўпайтирилиши билан белгиланади.

8. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ходимларига куйидагилар учун ҳақ тўланади:

иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда икки баробар миқдорда;

туңги иш вақти учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда 1,5 баробар миқдорда;

касблар бўйича ўриндошлиги, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтиргани, ходим ўзининг асосий иши билан бир қаторда вақтинча йўқ ходимнинг вазифаларини бажаргани учун — амалда бажарилган ишга ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича;

табиий-иқлим шароитлари ноқулай жойларда ишланганлик учун — мазкур ҳудудда белгиланган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мансаб маошларига белгиланган бошқа устама ва қўшимча ҳақлар.

III. ТАРИФ СЕТКАСИНING БОШЛАНҒИЧ (НУЛИНЧИ) РАЗРЯДИ ТАРИФ СТАВКАСИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

9. Корхонада қўлланиладиган тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкаси миқдорлари корхона томонидан корхона молиявий имконияти ва меҳнат ҳақи фондининг (мукофотларни ҳисобга олмаганда) корхона ҳаражатларидаги мавжуд улушидан келиб чиқиб, шунингдек молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида меҳнат органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан паст бўлиши мумкин эмас.

10. Тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкасини мазкур Низомга мувофиқ белгилаш (ўзгартириш) кўрсатилаётган хизматлар тарифларининг ўсишига олиб келмаслиги керак.

11. Тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди

тариф ставкаси миқдори, меҳнат органлари билан келишилгандан сўнг, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналари раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

12. Тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкаси миқдори, қоидага кўра, Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори ўзгартирилиши муносабати билан қайта кўриб чиқилади.

Кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда аниқланган тарифларнинг ўзгариши тариф сеткасининг бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкасининг ўзгаришига олиб келмайди.

IV. ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

13. Бир ойлик иш якунлари бўйича мукофотлаш учун қуйидагилар корхона ходимлари меҳнатини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

кўрсатилган хизматлар ҳажми ва сифати — давлат томонидан белгиланган талаблар ва меъёрларга қатъий мувофиқ равишда истеъмолчиларга иссиқлик энергияси ва сувни узлуксиз етказиб бериш, шунингдек хўжалик-маиший оқава сувларни чиқариб юбориш ва тозалашни таъминлаш;

истеъмолчиларнинг асосли, шу жумладан такрорий шикоятлари йўқлиги;

энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш, исрофгарчиликни камайтириш.

14. Ходимларга мукофотлар миқдори корхона ходимлари меҳнатини баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, табақалаштирилган тарзда белгиланади. Мукофотнинг умумий миқдори ҳар бир ходимга ҳисоблаганда тариф сеткаси бўйича унинг тариф ставкаси (мансаб маоши)нинг 50%идан ошиши мумкин эмас.

15. Ходимни мукофотлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиб корхона тегишли бўлинмаси раҳбари томонидан мазкур бўлинманинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича асослари ҳамда бухгалтерлик ва тезкор ҳисоб-китоб маълумотларини илова қилиб берилган билдиришномаси ҳисобланади.

16. Мукофотлаш ва моддий ёрдам ажратиш тўғрисидаги қарор корхона раҳбари буйруғи билан, корхона раҳбари (комиссия раиси), раҳбар ўринбосари, иқтисодий хизмат раҳбари, бош бухгалтер, касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва икки ходимдан иборат 7 кишилик таркибда тузиладиган комиссия томонидан қабул қилинади.

17. Комиссия иш тартиби касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Комиссия мажлислари, қоидага кўра, ҳар ой, алоҳида ҳолларда эса зарурат юзасидан ўтказилади. Мукофотлаш ва моддий ёрдам пули тўлаш тўғрисидаги қарор очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қарор комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисм овози мавжуд бўлганда қабул қилинган ҳисобланади ва корхона раҳбари буйруғи билан расмийлаштирилади.

18. Мукофотни тайинлашда ходимнинг ўз хизмат вазифаларини корхона раҳбари томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ бажарганига баҳо берилади.

19. Мукофотлар амалда ишланган вақт учун берилади. Мукофот берилаётган ойда ходим ишдан озод этилиши (ходимнинг айби билан ишдан озод этилиши бундан мустасно) ёки ишга қабул қилиниши, ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан ёки бошқа узрли ҳолатлар туфайли тўлиқ ишлаб берилмаган тақдирда мукофот амалда ишланган вақтга пропорционал тарзда тайинланади.

20. Ишлаб чиқариш ва технологик инструкцияларни, ички тартиб-қоидаларни бузишда айбдор бўлган, нуқсонларга йўл қўйган ходимлар мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилади.

Қоидабузарликларга йўл қўйган ходимларни мукофот-

дан маҳрум этиш (камайтириш) қоидабузарликлар йўл қўйилган ёки аниқланган даврда амалга оширилади. Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ интизомий жазо чораси қўлланилган ходим мазкур чора қўлланган даврда мукофотдан тўлиқ маҳрум этилади.

21. Бир марталик моддий ёрдам касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси бўйича ёки ходимнинг ўз аризасига кўра комиссия қарори билан жамоавий шартномада назарда тутилган тартибда тайинланади.

22. Ходимларга бир марталик моддий ёрдам меҳнат таътилига чиқишда базавий тариф ставкасининг бир баробаригача миқдорда, шунингдек алоҳида ҳолатлар (узок муддатли касаллик, оила аъзосининг вафоти, тўй маросими, фарзанд туғилиши ва бошқа ҳолатлар) муносабати билан бир марталик моддий ёрдам тўланиши мумкин.

Моддий ёрдамнинг аниқ миқдори комиссия томонидан вазиятга қараб белгиланади.

23. Маблағлар мавжуд бўлган тақдирда ходимларга овқат ва коммунал хизматларнинг ошган нархини компенсация қилиш учун тариф сеткаси бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкасининг 50%гача миқдорда ҳар ойлик моддий ёрдам пули тўланиши, шунингдек давлат байрамларига мукофотлар берилиши мумкин.

V. СУВ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ КОМПЛЕКС БРИГАДАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ

24. Сув таъминоти корхонасининг комплекс бригадаси учун қуйидагиларни ўз ичига олган ҳар ойлик меҳнат ҳақи фонди тузилади:

тариф сеткаси бўйича ишлаб берилган вақтга мувофиқ ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган — меҳнат ҳақи фондининг тариф қисми ҳисобланган мансаб маошларига устама ва қўшимча ҳақларни ҳисобга олган ҳолда бригада аъзоларининг мансаб маошлари суммаси;

иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларидан бригада аъзолари маошлари суммасининг 50%гача миқдорда мукофот жамғармаси;

иш ҳажмини сифатли ва ўз вақтида бажариш шартли билан бригаданинг ходимлар қисқартирилган сони билан бажарган иши ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди тежалиши.

25. Меҳнат ҳақи фондининг тарифга устама қисми (мукофот жамғармаси ва тежаш) комплекс бригада аъзолари ўртасида ҳисобга олиш даврида бригаданинг эришган якуний иш натижаларидаги ҳар бир бригада аъзосининг меҳнат ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда меҳнатдаги иштироки коэффиценти бўйича тақсимланади.

Ҳар бир бригада аъзосининг меҳнатдаги иштироки коэффиценти ходимнинг тариф ставкасига нисбатан қўлланилади ва 0 дан 1,5 гача миқдорда белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақи фондининг тарифга устама қисмини тақсимлаш корхона раҳбари томонидан тасдиқланган «Комплекс бригада тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

26. Қуйидаги ҳолларда комплекс бригада меҳнат ҳақи фондининг тарифга устама қисми ташкил этилмайди:

қабул қилиб олиш актида ўз аксини топган ишларни сифатсиз ва белгиланган муддатларини бузган ҳолда бажариш, шу жумладан ишларни олиб бориш технологиясини бузиш;

бригаданинг айби билан йўл қўйилган авария ҳолатлари; комплекс бригаданинг айби аниқланган бошқа ҳолатлар.

Меҳнат кодексининг 181-моддасида белгиланган меҳнат ва технологик интизомни бузган, ўз меҳнат мажбуриятларини виждонан бажармаётган, интизомий жазо чораси олган ходимлар комплекс бригада меҳнат ҳақи

фондининг тарифга устама қисмидан мукофот олиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар.

27. Комплекс бригадаларнинг аъзолари бўлган ходимларга мазкур Низомнинг 21-23-бандларига мувофиқ бир марталик моддий ёрдам пули тўланиши мумкин.

VI. ИССИКЛИК ТАЪМИНОТИ, СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚАВА СУВЛАРНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

28. Жамғарма иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш корхоналарида ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари корхоналарнинг махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

Корхона раҳбари, у йўқлигида унинг ўрнини босувчи шахс жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

29. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

энергетика ресурсларини тежашдан олинган маблағлар;

меҳнат ҳақи фондини тежашдан олинган маблағлар; тузилган шартномаларга мувофиқ истеъмолчилар томонидан иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарига тўланадиган жарима санкциялари;

аҳоли ва ўзга истеъмолчиларга бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар.

Энергетика ресурслари ва меҳнат ҳақи фондини тежашдан олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Нарх-навони тартибга со-

лиш жамғармасига олиб қўйилмайди.

30. Корхона томонидан йил якунлари бўйича рентабелли ишни таъминлаш шароитида иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, шунингдек хўжалик-маиший оқава сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматлари кўрсатишнинг белгиланган прогнози бажарилган тақдирда корхона тасарруфида қоладиган фойданинг 40%игача миқдори Жамғарма маблағларини кўпайтиришга йўналтирилиши мумкин.

31. Жамғармадан мукофотлар ва бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш Жамғарма маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ҳисобот йилида фойдаланилмаган Жамғарма маблағлари олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади.

VII. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ САРФЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

32. Жамғарма маблағлари сарфланишини назорат қилиш корхона раҳбарияти, шунингдек солиқ органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Жамғарма маблағларидан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, Жамғарманинг мақсадга номувофиқ фойдаланилган маблағлари жами суммаси давлат бюджети даромадига ўтказилади, айбдор шахсларга нисбатан эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли жавобгарлик чоралари кўрилади.

34. Корхона раҳбари корхона ходимларига мукофот ва моддий ёрдам пулларини тўғри ажратиб беришда, шунингдек корхона ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавобгар ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА УЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 27-28-сон, 284-модда)

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

банкларнинг низом жамғармасини кўпайтириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш, мижозларни биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш;

мини-банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

тижорат банкларини юқори малакали профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш, банкларнинг хизмат кўрсатиш масъулияти ва маданиятини ошириш.

2. Молия вазирлиги томонидан 2006 йил якунлари бўйича давлат бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдасининг бир қисмини қуйидаги банкларнинг низом жамғармасини кўпайтириш ва инвестициялаш ресурс базасини кенгайтиришга йўналтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг таклифи маъқуллансин:

«Микрокредитбанк»ка — 42 миллиард сўм, шу жумладан 32 миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида кредит линияси очиш учун;

«Пахтабанк»ка — 25 миллиард сўм ҳажмида, шу жумладан 15 миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кредит линияси очиш учун;

«Ипотекабанк»ка — 25 миллиард сўм, шу жумладан 15

миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳажмини ошириш мақсадида кредит линияси очиш учун.

Тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилсин.

3. Тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январигача даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда мазкур солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

4. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин ва унга мувофиқ: тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи очиқ жойлаштириш муомалага янги чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно);

тижорат банклари акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритилади ва мунтазам биржа котировкалари матбуотда эълон қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ипотека кредитлашни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағларни банклараро бозордан Жамғарма томонидан жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкаси ва Жамғарма томонидан имтиёзли кредитлаш дастурини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига берилган имтиёзли кредит линиялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги салбий маржани қоплаш учун мақсадли йўналтирсин.

6. Тижорат банклари: ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда — қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан;

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит ли-

ниялари бўйича тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича — тўлов манбаидан олинадиган солиқлардан озод қилинсин.

7. Пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар, тўлов терминаллари, дастурий таъминот, банкоматлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари ва бошқа ускуналар ҳамда зарур материалларни импорт қилиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига асосан берилган божхона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагилар бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

тижорат банклари, молия институтлари, эмитентларни ва улар томонидан чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозларни яқка тартибда рейтингли баҳолаш миллий тизимини жорий этиш;

тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 12 июль,
ПҚ-670-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА
ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА» 2001 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ 421-СОН ҚАРОРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2010 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН
ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»
2007 ЙИЛ 21 МАЙДАГИ ПҚ-640-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 27-28-сон, 286-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 57-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш

ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 3 июль
137-сон.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА» 2001 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ 421-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қарорга илованинг биринчи, иккинчи, учинчи ва олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш	85
Лойиҳалаш	15
Қуриш	15
Фойдаланиш (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	30
Қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш	1
Хизматлар кўрсатиш (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	30
Қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш	1
Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш	430
Лойиҳалаш	30
Қуриш	60
Фойдаланиш	150
Хизматлар кўрсатиш (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	200
Қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш	5
Халқаро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш	1900
Лойиҳалаш	200
Қуриш	400
Фойдаланиш	500
Хизматлар кўрсатиш (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	800
Қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш	10
Маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш (лицензия амал қилишининг барча даврига)	200
Лойиҳалаш	10
Қуриш	20
Фойдаланиш	30
Хизматлар кўрсатиш:	
операторлар ва провайдерлар томонидан	150
умумий фойдаланиш пунктлари томонидан (қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)	10
қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари умумий фойдаланиш пунктлари томонидан	1»

2. Илованинг изоҳига қуйидаги мазмундаги хатбоши кўшилсин:

«Қишлоқ жойлардаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси кичик тадбиркорлик субъектларига:

қишлоқ жойлардаги ҳажми 2048 номердан ортиқ бўлган маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш фаолиятини амалга оширишга рухсат этилмайди;

қишлоқ жойларда шаҳарлараро ва маҳаллий телекоммуникациялар хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бир пайтда

олинганда маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия давлат божи ундирмасдан берилди;

қишлоқ жойларда халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий телекоммуникациялар хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бир пайтда олинганда шаҳарлараро ва маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар давлат божи ундирмасдан берилди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
